

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ ТУРИЗМНИНГ РИВОЖИДА ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ.

Суяров Мавлон Сафарович

“Шахрисабз” давлат музей қуриқхонаси илмий ходими.

Тел +998919557676 @maul suyarov594@gmail.com

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилоятида туризм ривожланиши ҳолати, тарихий-маданий туризм салоҳияти ва даражаси ҳолати, тарихий-маданий туризмни ривожлантиришнинг ташкилий асослари таҳлил қилиниб, тарихий-маданий туризм хизматларини тарғиб қилиш масалалари долзарб эканлиги, бу борада тарихий-маданий туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тарихий-маданий туризм, маданий алоқалар, туристик инфратузилма, маданий мерос.

Abstract. This article examines the features of historical and cultural tourism in Kashkadarya region, the factors of its development and socio-economic importance. The article analyzes the state of tourism development in the region, the state of the potential and level of historical and cultural tourism, the organizational foundations of the development of historical and cultural tourism.

Keywords: historical-cultural tourism, cultural relations, tourist infrastructure, cultural heritage.

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности историко-культурного туризма в Кашкадариньской области, факторы его развития и социально-экономическое значение. Анализируются состояние развития туризма в области, состояние потенциала и уровня историко-культурного туризма, организационные основы развития историко-культурного туризма.

Ключевые слова: историко-культурный туризм, культурные связи, инфраструктура туризма, культурное наследие.

Бутун дунёдаги сингари мамлакатимиз, хусусан вилоятимизда ҳам

хизмат кўрсатиш тизимининг кенг ривожланаётган истиқболли йўналишларидан бири туризм ҳисобланади. Шунинг баробарида, мазкур соҳа тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалгани ҳолда, давлатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ҳамда сиёсий-иқтисодий алоқаларни ўрнатишга хизмат қилган. Қадимги даврларданок, одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳат қилишган. Воҳанинг қаддимги савдо-сотиқ қарвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизациялар туташган чорраҳада жойлашгани бу жараёнда муҳим ўрин тутди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мазкур соҳани меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, нафақат мамлакатимиз, балки унинг минтақалари даражасида ҳам туризмни, туризм инфратузилмасини янада ривожлантиришга қаратилган Президент фармонлари қонунлар, ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилиниб келинмоқда[1].

Туризм ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маданий аҳамиятга эга кенг қамровли соҳа. У даромадлилиги бўйича дунёда учинчи ўринда туради. Яна бир муҳим томони, кам ҳаражат билан кўп иш ўринлари яратиш имконини беради. Туристик хизматларни диверсификация қилиш ва янги туристик маршрутларни яратиш, жумладан: мамлакат барча ҳудудининг туристик имкониятини ўрганиш ва туристик маҳсулот, маршрутларни шакллантириш, аҳоли учун турлар ва экскурсиялар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, ички маршрутлар бўйича янги авиолиновалар очиш, маркетинг тадқиқотларини ўтказиш асосида, ҳудудий ва халқаро йўналишлар бўйича чартер рейсларини ташкил этиш мақсадида янги туристик маршрутларни яратиш, туризмнинг замонавий турларини ривожлантириш, уларнинг жозибадорлигини кучайтиришга оид ислохотларни янада такомиллаштириш юзасидан амалага оширилиши лозим тадбирлар Ҳаракатлар стратегиясидан жой эгаллагани туристик хизматлар кўрсатувчи субъектларнинг имкониятларини янада кенгайтиради[2].

Ҳозирги вақтга келиб, дунё фани ва маданий ҳамжамиятда, табиий ва маданий мерос ҳақида барқарор ривожланишнинг ўлчамларини белгилаб берадиган устувор ижтимоий қадрият сифатидаги тасаввур шаклланган. Дунё маданий ва туристик фаолиятини мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари ташкилоти ва Бутунжаҳон савдо ташкилоти етакчи ўрин тутмоқда. Бу халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган, дунё етакчи мамлакат-ларининг маданият ва туризм вакиллари иштирок этаётган ассамблеялар, конференциялар ва бошқа тадбирлар халқаро ҳамкорликнинг амалий механизми ҳисобланади ва улар қабул қилаётган қарорлар миллий даражада амалий тавсиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тарих, маданият ва табиат ёдгорликлари — мамлакатнинг миллий бойлигидир. Туристик мақсадларда ушбу ҳудудни ўзлаштириш “асраб - авайлаш ва қайта тиклаш” принципи бўйича ёндашишни талаб қилади. Мамлакатимизнинг барча минтақалари тарихий ҳудудларга бой бўлиб, уларга қадимий шаҳарлар, кўрғон ва ансамбллар, диний архитектура мажмуалари, тарихий-маданий ёдгорликлар киради.

Туризмнинг турлари жуда кўп. Лекин улар орасида тарихий-маданий туризм мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишида алоҳида аҳамият касб этади. У табиий ресурслардан деярли фойдаланмайди. Аксинча, тарихни эслатувчи воқеа-ҳодисаларлар, қадимги топилмалар, ёдгорликлар, қўл ёзмалар каби маънавий мерослардан кўп фойдаланилади. Тарихий-маданий туризмнинг ушбу жиҳати, юртимиз ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб то ҳозиргача тараққий этган шаҳарлар, қишлоқлар маданиятларнинг бой ўтмишини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ва тарихий жараёнларни ҳолис тиклаш бўйича муайян ишларни амалга ошириш вазифасини қўяди.

Туристик инфратузилмани ривожлантиришда ҳудуднинг тарихий қиёфасини бузмаслик муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир янги яратилаётган туристик объект миллий хусусиятлар, анъаналарга мос келиши ва ўзининг такрорланмас қиёфасига эга бўлиши зарур. Табиий-тарихий марказларни

яратиш қимматли маданият ва тарих ёдгорликларини сақлаб қолишга кўмаклашиши керак. Тарихий қадриятлар, миллий ресурс сифатида қараладиган маданият ва тарих ёдгорликларини асраш ва тиклаш ҳам муҳимдир. Тарихий-маданий туризм, ўз навбатида, юртимизда ташкил этилаётган маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари қамрови орқали сайёҳларни кенгроқ жалб қилиш имконини беради. Уларга миллий байрам ва фестиваллар, театрлаштирилган намоишлар, кино ва театр фестиваллари, гуллар байрами, модалар намоиши, аукционлар, турли кўринишдаги мусиқа танловлари ва фестиваллари, спорт тадбирлари киради. Экспертларнинг фикрига кўра, яқин келажакда ушбу туризм шаклининг ривожланиши бошқа туризм шаклларига нисбатан туристлар сонининг кескин равишда ортишига олиб келади.

Вилоятнинг туризм салоҳияти, инфратузилмаси, ташриф буюраётган хорижий туристлар географиясини 2024 йил мисолида таҳлил қилдик. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики:

2024 йил вилоятга 2,1 млн нафар (2023 йил 1,8 млн) маҳаллий ва 570 минг нафар (2023 йил 222,3 минг) хорижий туристлар ташриф буюриши эвазига туризм хизматлари экспорти 115 млн 460 минг долларга (2023 йил 44,9 млнга нисбатан 2,6 карра кўп) етказилди[3].

Бунда, вилоятга жами ташриф буюрган туристлар сонининг:

- 89,7 фоизини МДХ (Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, Россия, Қозоғистон);
- 4,4 фоизини Осиё (Хитой, Ҳиндистон, Япония ва ҳ.к.);
- 4,2 фоизини Европа (Италия, Германия, Франция ва ҳ.к.);
- 1,7 фоизини бошқа қитъа давлатларидан ташриф буюрган хорижий туристлар ташкил этмоқда.

Буюк ипак йўли бўйлаб Шарқ ва Ғарбни боғловчи муҳим бўғин вазифасини ўтаб келган Қашқадарё воҳаси тарихи ҳам ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи, аجدодларимиз моддий ва маънавий мероси шаклланиш жараёнларининг ёрқин ифодасидир. Буюк Турон заминида шаклланган

халқимизнинг бой тарихи, буюк аجدодларимизнинг моддий – маънавий мероси, тарихий хотирамизни жонлантириб, янги авлод учун ибрат манбаига айланмоқда.

Жорий йил 2-3 февраль кунлари Китоб туманидаги Нақшбандия тариқатининг Олтин Силсила пирлари “Шайх Муҳаммад Имканагий” ва “Шайх Муҳаммад Дарвеш Вахшуворий” зиёратгоҳлари ҳамда Шаҳрисабз шаҳрининг ЮНЕСКО Умумжаҳон меросига киритилган, “Дор ут-тиловат”, “Дор ут-сиёдат”, “Оқ-Сарой” мажмуалари каби қадимий обидалар бўйлаб “Нақшбандия фестивали” зиёрат тадбири ўтказилди.

Фестивал доирасида зиёрат тадбирларини ўтказиш мақсадида Малайзия, Индонезия, Сингапур, Ҳиндистон, Бруней ва Туркия давлатларидан 160 нафарга яқин дин пешволари, диний уламолар, тариқатчилар каби зиёратчилар ташриф буюришди.

Қашқадарё мамлакатимизнинг энг бой тарихга, ривожланган маданиятга, серҳосил заминга эга бўлган қадимий ўлкалардан биридир. Қашқадарё Зарафшон ва Амударё дарёлари оралиғида жойлашган, қадимда Жанубий Сўғд, Жанубий Турон дея номланган, деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай иқлим ва сув шароитига, ўзига хос гўзал табиатига эга бўлган бу воҳа қадимданоқ кўпларнинг эътиборини жалб етган. Қашқадарё вилояти мамлакатнинг йирик текисликлар, чўл, тоғ ва тоғолди ҳудудларига, ўзига хос табиий ва иқлим шароитига эга бўлган вилоятлардан биридир. Вилоятда Ҳисор тоғ-ўрмон ва Китоб давлат геология қўрихоналари жойлашган. Ўрта тош даври бошланиши билан музлик даври тугайди. Улкан музликнинг чекиниши натижасида иқлим ўзгариб, ҳозирги давр иқлимига анча ўхшаб қолган эди. У илиқроқ бўлиши туфайли, Ўрта Осиёнинг ҳайвонот ва усимлик дунёси (флора ва фауна олами)да ҳам ўзгаришлар юз берган. Табиий ўзгаришлар палеолит даври йирик ҳайвонларининг аста-секин қирилиб йўқолишига асос солди. Улар ўрнига кўпдан-кўп майда ва ўртача ҳайвонлар (жайрон, сайғоқ, қулон, архарлар, қуён, қоплон, арслон ва бошқалар) кўпая бошлади. Табиатдаги бу ўзгаришлар ўз навбатида

одамларнинг ҳаёти ва турмуш тарзида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди. Қадим замонлардан бошлаб, инсон ўз ҳаётини атроф-мухит шароитлари ва ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси билан узвий боғлиқликни яхши англаб келган. Инсон ҳаёти ва унинг тарққиёти омиллари ҳақидаги баҳс узоқ утмишдан бизга мерос бўлиб келган. Бу ғоялар ва таълимотлар ибтидоий мифология, турли диний таълимотлар ва фалсафий назариялардан ўз жавобларини топиб келган.

Китоб геологик қўрихонаси Ўрта Осиёда ягона бўлган ва қадимий маъданлардан ташкил топган бўлиб, қўриқхона Ғарбий Зарафшон тизмасининг жануби-ғарбий ён бағрида жойлашган. Қўрихонада Ер қуррасининг табиий маъдан ёдгорликлари бўлган палеонтологик, литологик ва стратиграфик тарихий геологик обидалар муҳофаза этилади. Бу ерда палеозой эрасининг қуйи ордовик давридан, юқори девон давригача ўтган вақт оралиғидаги қатламлар узлуксиз Ер юзасига чиқиб ётади, уларнинг таркибида ўша даврларда яшаган ҳайвон ва ўсимликларнинг тошга айланган қолдиқлари кўплаб учрайди. Бу қолдиқлар юз миллион йиллаб тарихни ўзида сақловчи муҳим манба ҳисобланади.

Тетис денгизида яшайдиган ҳайвонлар ўлимидан кейин денгиз тагига чўкиб, ўша пайтда пайдо бўлаётган денгиз ётқизиклари ичига тушиб қолган. Денгиз ҳайвонларининг юмшоқ тўқималари тезликда чириб, устидаги чиғаноқлари денгиз ётқизиклари билан бирга тош қатламларига айлана бошлаган. Кейинги тектоник ҳаракатлар натижасида бу қатламлар ер юзасига чиққан.

Ҳозирги вақтда сайёрамизнинг кўп жойларида қадим замонларда яшаган содда ҳайвонлар қолдиқлари йиғилиб қолган тошли қатламлар учрайди. Уларнинг ҳар бири фан учун ўша жойдаги органик ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тўғрисида янги маълумотлар беради. Шу сабабли Зарафшон тизмасининг жанубий ёнбағрида жойлашган Китоб геологик қўриқхонаси табиат феномени бўлиб, Ернинг тузилиши тўғрисидаги билимни янада яққолроқ тасаввур қилишга ва мукамал ўрганишга ёрдам

беради. Дунёда Китоб геологик қўриқхонасига ўхшаш яна иккита қўриқхона мавжуд бўлсада, уларда Китоб геологик қўриқхонасидегидек мукамаллик йўқ. Масалан, Франциядаги геологик қўриқхонада қатламлар орасидаги узилиш жуда катта.

Ибтидоий рассомлар одамларнинг табиат кучларига муносабатларини, дунёқарашларини, қояларга чизилган рангли сураатлар орқали ифодаланган. Шу ҳилдаги манзилгоҳлардан бири воҳанинг Чироқчи тумани Оёқчисойдан бироз нарида, қўшни Қуруқсой водийсида қизил буёқ билан бўялган тасвирлар туширилган қоялар топилган. Ҳозирги аҳоли Сийпонтос деб атайдиган, тош асрининг сўнги даврига оид нодир ёдгорлик жойлашган. Бу сураатлар орасида ой ва кунларнинг қуёш тақвимида акс эттирилиши ёки аёл кишининг қўл излари манзараси диққатга сазовордир.

Олис аждодларимиз учун чуқур мазмун ва аҳамият касб этган рамзий белгиларни ҳам аёллар чизган деса бўлади. Бу жой ҳозир ҳам аёлларга туғруқда, фарзандсизликда, шунингдек беморларга мадад берадиган муққадас жой сифатида азиз тугилади, ҳозир ҳам бу ерда афсонавий Сийпонтосота руҳига атаб қурбонликка жонлиқ сўйиб турилади. Ҳозирги аҳоли ёдида шифо бахш этувчи авлиёнинг руҳи поки макони тутган жой сифатида қолган.

Сийпонтосдаги тасвирлар ибодат хонанинг бош қоясидаги асосий тасвир полотноси ёки галерияси марказидаги буқа ёхуд бошқа ҳайвонинг ягона шаклини ҳисобга олмаса, шартли рамзлар санъати ривожланишини намойиш этади. Сийпонтос расмлари мавзуи ғайб самовий рамзлар билан тўла тўқис боғлиқ. Қамарий тақвим тасвири айниқса диққатга сазовор. Бу вақт ўлчови азалий космик тартибсизликни тартибга солиш натижалар тақвимидир, ушбу ҳолатда вақт мавзуи буткул анланган ва у қамарий ой кунлари сони билан қайд этилган. Шамсий белгиларни балки йиллик давр ҳисобининг бошланиши, деб талқин қилиш мумкиндир, 12 ёки 13 та ромбчадан тузилган белбоғлардан биридаги тасвир эса, гарчи ёмонроқ сақланган бошқа қаторда ромбчалар сони кўпроқлиги бу фикрни бироз

шубҳа остига қўйса-да, йил ойлари сонига мувофиқ келиши мумкин.

Сийпонтос расмларида гарчи турли расмлар устма уст тушган бўлса ҳам, умуман ягона сахна, муайян композиция йўқ ёки турли рамзлар олдиндан кўзда тутилмаган. Афтидан бу расмлар узок вақт мобайнида чизилганга ўхшайди[4]. Бинобарин бу Марказий Осиёдаги тош асри одамларининг коинот таркиби ва вақт тўғрисидаги тасаввурлари акс этган энг кўҳна ибодатхонадир. Бу ўхшатишлардан келиб чиқиб, ушбу нодир обида – Сийпонтос ибодатхонасининг ёши 10-5 минг йил оралиғида деб тахмин қилиш мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 7,4 мингдан зиёд маданий мерос объектлари мавжуд. Ўзбекистон кўплаб маданиятлар ва цивилизацияларнинг кесилиш маркази бўлиб келган, бу ерда турли динлар тарғиб қилинган, шу боисдан ҳам ислом, ҳам буддизм ва христиан динларига тегишли ноёб ёдгорликлар сақланиб қолган. Қашқадарё вилоятининг моддий маданий меросининг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатида 1468 та маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, шундан, 1189 таси археология ёдгорликлари, 208 таси архитектура, 43 таси монументал санъат ёдгорликлари, 28 таси диққатга сазовор жойлар (зиёратгоҳлар) сифатида хатловдан ўтказилган[5]. Ўзбекистон кўп минг йилликлар давомида бунёд этилган қадимий ёдгорликларга бой минтақа ҳисобланади.

Қашқадарё воҳасида ҳам йирик муқаддас зиёратгоҳлар сони кўпчиликини ташкил этади. Шаҳрисабз шаҳридаги Оқсарой, Доруссийедат, Доруттиловат, Мавлоно Хожагий Имканагий, Китоб туманидаги Ҳазрати Башир, Қамаш туманидаги Катта Лангар, Қарши шаҳридаги Кўкғумбаз, Одина, абу Убайда ибн Жарроҳ, Қарши туманидаги Ҳазрати Имом Муъйин, Касби туманидаги Султон Мирҳайдар, Косон туманидаги Хусам Шайх, Муборак туманидаги Абдуллоҳ ибн ал-Муборак Марвазий зиёратгоҳлари шулар жумласига киради[6].

Худудлар туристик салоҳияти табиий шароити, тарихий-маданий ва иқтисодий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда бир биридан фарқ қилади.

Улардаги туристик объектларнинг халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга эканлиги уларнинг ўзига хос мақоми, даражаси ва аҳамиятини белгилайди. Туризмда аҳоли бандлигини бевосита таъминловчи сервис турларига қуйидаги хизмат кўрсатиш соҳалари киради. Туристлик зоналарда туристларга бевосита хизмат кўрастиш соҳалари ривожланиши натижасида меҳмонхона хўжалиги, озиқ-овқат саноати, савдо, маданият, спорт, рекреация хизматлари каби тармоқлар шаклланади. Айниқса, қишлоқ жойларда туризм-ни ривожлантириш янги иш ўринлари ва қўшимча даромад манбаига айланади. Намуна сифатида олинган Ғилон, Мироқи, Ҳазрати Башир, Хўжа-илғор, Катта Лангар, ва Майданак каби қадимий ва типик қишлоқ жойларда сервис хизматлари, инфратузилма шакллари ривожланади.

Вилоят музейларида тарихий-маданий меросни акс эттиришда қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқдир:

- Қашқадарё воҳасидаги меъморий ёдгорликларнинг мустақиллик йилларига қадар ва бугунги ҳолатини фотоқўргазма асосида акс эттириш;
- Воҳада яшовчи халқларнинг унитилган миллий урф-одатлари, анъаналарини Мустақиллик йилларида тикланишини ва ривожланишини кўрсатиб бериш;
- Воҳанинг этномаданий ва диний толерантлик (бағрикенглик) ва ижодий ҳамжиҳатлик маркази бўлганлигини кўрсатиш;
- Воҳанинг қадимидан бугунги кунгача марказий осий халқлари сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тутган ўрнини акс эттириш;
- Қадрият ва анъаналари, маданият, санъат ва спорт соҳасини суратлар орқали акс эттириш;
- Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида вилоят эришган ютуқларни кўрсатиш;
- Бетакрор табиат манзаралари, пурвиқор тоғлари ва сўлим гўшаларни фотосуръатларда акс эттириш;
- Мустақилликнинг эълон қилиниши ва миллий давлатчиликнинг шаклланиши, маънавий-маданий қадриятлар ва миллий ўзликни тикланишини

кўрсатиб бериш.

Бундан ташқари, Бугунги кунда туризм ривожланган хорижий давлатлар, жумладан, Хитой ва туркия давлатларида музеефикациялашган архелогик қазилма объектлари ташриф буюраётган сайёҳларда катта қизиқиш ўйғотмоқда.

Замонавий ўқув амалиётлари асосида олий тоифадаги таржимон-гидлар, экскурсия етакчилар ва йўриқчи-йўл бошловчиларни тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиши ҳамда уларни 2025-2026 йилларда малакасини ошириш ва тайёрлаш дастурига киритиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 26 апрелдаги ПҚ-135-сон қарори.
2. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони.
3. Қашқадарё вилоят туризм бошқармасининг 2024 йил учун ҳисоботи. Қарши шаҳри. 2024.
4. Мамадиев Б. Б. Кеш шаҳрининг тарихий топографияси. (Қадимдан XX аср бошларигача): Тарих фанл.б. фалс. доктори (PhD) автореф. – Қарши. 2024.
5. Хасанов А. М. Маданий мерос ёдгорликлари ва зиёратгоҳларини асраб аввайлаш давр талаби. Ўзбекистон музейларининг долзарб муаммолари. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to'plami. – Shahrisabz, 2024. – B.175-178.
6. Остонов О.А. Ўзбекистонда тарихий-маданий туризмнинг баъзи хусусиятлари. INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE “THE SILK ROAD: COOPERATION THROUGH THE PRISM OF TOURISM” OCTOBER 10-11, 2024